

КЕЙИНГИ

СОНЛАРДА:

Шароф

Рашидовнинг

шофёри айғоқчимиди?

ҚАЛАМ ҲАҚИ ОШДИ

ҚАЛАМКАШ БИРОДАРЛАР!

Биз Сизнинг оғир ва ўта машаққатли ижодий меҳнатингизнинг қадрига ета-  
 миз. Газитимизда чоп этилган сара пуб-  
 лицистик асарлар учун 1 июндан энг  
 юқори ставкада қалам ҳақи тўлай бош-  
 лаймиз. «Оила ва жамият»нинг бир  
 сони учун қалам ҳақи 5000 сўм қилиб  
 белгиланди. Ўзбекистондаги бошқа би-  
 рорта нашр Сизга бунчалик кўп қалам  
 ҳақи тўлай олмайди. Бунинг устига, энг  
 яхши публицистик асарлар учун ҳар ой-  
 да 1000 сўмдан мукофот ҳам бермоқ-  
 дамиз.


«Оила ва жамият»да асарини чоп эт-  
 моқ — ижодкорлар учун катта фахрга  
 айланмоқда. «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» рес-  
 публикадаги ЭНГ КўП НУСХАЛИ ГАЗИТ  
 бўлиб бормоқда.

«Оила ва жамият» ёшу қари, эру аёл-  
 нинг энг қизиқарли наشري деб тан олин-  
 япти...

«Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!» —  
 денгу элимизни маърифат, имон-эъти-  
 қод, яхшилигу меҳр-оқибатга, аҳиллик-  
 ка ундовчи қизиқарли асарларингизни  
 битмоққа ўтиринг. Мавзулар ранг-ба-  
 ранг, лекин ЭНГ ЯХШИСИ — «ТЕША  
 ТЕГМАГАНИ». Кутамиз!..

ХАЛҚАРО  
 ЖАБРДИЙДАЛАР  
 ИТТИФОҚИ

Днепропетровск шаҳрида фашизм  
 асоратини кўрган собиқ ўспирин  
 жабрдийдалар иттифоқининг кенга-  
 ши бўлиб ўтди. Унда мазкур ташки-  
 лот Халқаро собиқ ўспирин жабрдий-  
 далар иттифоқида айлантирилганли-  
 ги ҳақида қарор қабул қилинди.  
 150 аъзога эга бизнинг Ўзбекистон  
 бўлимимиз ҳам янги ташкилотга қў-  
 шилди, деб хабар беради унинг  
 раиси В. Сулейкин.



«ЮЛДУЗЛАР» ЧОРЛАЙДИ

«Юлдузлар» гуруҳи ҳаммангизга та-  
 ниш. Унинг солисти Алишер Ҳолиқов ижро  
 этган кўшиқларни ҳаммамиз севиб тинг-  
 лаймиз.

Яқинда мана шу гуруҳнинг вакилла-  
 ри Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Тошкент шаҳар  
 қўмитасига бир таклиф билан келишди.

«Агар ёрдам берсангизлар Болаларни  
 ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб хайрия кон-  
 цертини уюштирмоқчимиз, — дейишди  
 улар. — Тушган маблағлар ногирон бола-  
 ларга, кам таъминланган оилаларга ва  
 болалар уйи тарбияланувчиларининг  
 аҳволини яхшилашга сарфланади».

Бу таклиф шаҳар қўмитаси ва бир қатор  
 ташкилотлар томонидан қўллаб-қувват-  
 ланди. 5—6 июнь кунлари «Алломиш»

(Юбилей) спорт саройида «Юлдузлар» гуруҳи  
 ва бошқа кўпгина машҳур хонандалар  
 ижросида хайрия концерти бўлади.  
 7 июнь кунини эса яқунловчи хайрия ма-  
 рафони бўлиб ўтади.

Агар сиз кўмакка муҳтож болалар  
 ва уларнинг оилаларига ёрдам бермоқчи  
 бўлсангиз, хайрия марафонимизда қат-  
 нашишингиз мумкин.

Хайрия тадбиримизнинг ҳисоб рақами:  
 000700633 МФО  
 172682403 Ўзбекистон  
 жумҳурияти Акционер-тўжорат Агро-  
 пром Банки. Тошкент шаҳар Ешлар қўмитаси  
 «Хайрия марафони»га деб кўрсатилади.

Хайрия

22 (40) «Оила ва жамият»

## ЕТТИ КУН

## ЕТИМЛАР ШАЖАРАСИ

Пойтахтнинг Олой бозори биқинидаги 5-туғруқхонада дунёга келган уч эгизак етим қолди. Ғўдаклардан воз кечган бемехр ота-онанинг ўзлари ҳам етимхонада тарбияланган эканлар.

## ТОШКЕНТЛИК «ПРОКУРОР»

Трусковецдаги «Рубин» оромгоҳига ўзини Ўзбекистон Прокуратурасининг масъул ходими Алия Алискерова деб таништирган ёш аёл ташриф буюрди. Қадди-қомати келишган, ширинсўз бу хоним одамлар билан тез тил топишиб, ноёб матоҳлар олиш учун тез-тез қарз сўрайдиган бўлиб қолди. Кунлардан бир кун эса Алискерованинг ўзи ҳам, пуллар ҳам гумдон бўлди.

Алия, тўғрироғи Ольга Алискерова Масков, Львов, Тошкент ички ишлар бўлимларига яхши «таниш» товламачи экан. Трусковецдаги дам олиш хоним учун тўрт йилгача чўзиладиган бўлди.

## ТИШ ОЛДИРМОҚЧИ ЭДИ

Фожиа Наманган шаҳрида рўй берди. Тиш азобидан қутулиш учун шифокорга мурожаат этган ёш жувон оғриқ қолдирувчи укол олаётган пайтда тўсатдан оламдан ўтди. Бундан ниҳоятда қўрқиб кетган тиш дўхтири эса ўзини юқори қаватдан ташлаб юборди. Ва у ҳам бандаликни бажо келтирди.

## КАСАЛ БЎЛМАНГ!


Урусия пойтахтида энди Ҳамдўстлик мамлакатларидан борган беморлар бепул даволанмайди. Жумхурият соғлиқни сақлаш вазирлиги вакилининг айтишича, биргина педиатрия институти клиникасида даволанмоқчи бўлган ўзбекистонлик ғўдак учун қардошларимиз кунига 721 сўм сурашмоқда. Бунга ташхис қўйгунча бўладиган сарф-харajatлар кирмайди.

## ҲАВАСИ КЕЛИБДИ

Ҳовлимизда бир нечта курка бор. Урғочилари курк бўлиб, тухум босди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач... ёлғиз қолган эркак курка ҳам катакда тухум босаётганини кўриб қолди. Шунча ҳайдаганимиз билан у ниҳоятдан воз кечмади. Парранда бечора қарши тоифа вакилларига тақдир қилиш кўргулик эканлигини қаёқдан билсин, деб ёзади қашқадарёлик товўқбоқар мухбиримиз Норкул ТИЛОВ.

## ҚИМИЗЛИ ВА ОШЛИ КОНФЕРЕНЦИЯ

Утган жума кuni Ғишткўприқда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ҳузурдаги моддий бойликларини олиб чиқиш кетишини назорат қилувчи давлат инспекцияси бош бошқармаси ходимлари матбуот конференцияси ўтказдилар. Милиция ходимлари амалга ошираётган шарафли ишлар қайд қилинди. Конференция олдидан журналистлар қимиз ичиб, ош едилар. Лекин анжуманда «Оила ва жамият» мухбири қатнашгани йўқ.



ДУНЕНИНГ ТАШВИШЛАРИ

Суратчи: А. ТУРАЕВ

## Хат

## «САДОҚАТ»

Мен «Оила ва жамият» рўзномасига ўтган йили обуна бўлганимдан афсусланмадим. Мақолаларида «нимадир» бор. Тили ширин, ўқувчи ўзига тарта олади. Айниқса, унутилаётган сўзларнинг ишлатилаётганлиги мени қувонтирди. Рўзномадан халқчил фикрлар кутганим. Адашмаган эканман. Йилнинг қолган ойлари учун ҳам 39 сўм тўлаб, қайта обуна бўлдим. Рўзнома мухлисларининг ишончини йўқотмайди, деб ўйлайман. Асакалик муштарий — Умаржон АБДУЛЛАЕВ.

нинг ишончини йўқотмайди, деб ўйлайман. Асакалик муштарий — Умаржон АБДУЛЛАЕВ.

«Оила ва жамият» — менинг маслакдош дўстим. Уни орзиқиб кутаман. Ишдан чарчаб қайтганимда чарчогимни босади, оила даврасида мириқиб ўқиймиз. «Оила ва жамият»га кейинги олти ой учун ҳеч сўзсиз обуна бўлиб қўйдик. Рўзнома саҳифаларида «теша тегмаган» мавзулардаги мақолаларни кутамиз. Мухлисингиз Мастура ҚОДИРОВА. Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани.

## «БИЗДА ОЧАРЧИЛИК БЎЛМАЙДИ»

## ЧИРОҚЧИ ТУМАН ҲОКИМИ РАШИД НОРБУТАЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— Чироқчи қадимий маскан, — дейди Рашид ака — унинг ўз урф-одатлари, аҳолисининг ўзига хос яшаш тарзи, анъаналари мавжуд. Айни пайтда туманда 203 минг аҳоли яшамоқда. Шунча одамни озиқ-овқат ва бошқа энг керакли кундалик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳазиллакам иш эмас. Бугунги бозор иқтисоди, қимматчилик законини фуқароларнинг қийналиб қолмаслиги, уларнинг эртанги кунга бўлган умид-ишончларини сақлаш, ишга яроқли одамлар кучидан туманимиз ҳалқи манфаати йўлида унумли фойдаланиш — бизнинг бош ташвишимиздир.

— Демак, сизларда озиқ-овқат муаммоси йўқ...

— Яқинда туман таъминоти бўйича мутасадди бир ташкилот бошлиғини қақириб сўрадим: Яна қанча вақтга етадиган озиқ-овқатимиз бор? У ҳисоб-китоб қилиб худ доҳласа ун, ёғ, гуруч, чой ва бошқа энг зарур маҳсу-

лотларимиз ҳали анчага бемалол етади. У ёғи ёз, янги галла ҳосили, мева, сабзавотлар чиқади, деди. Кўнглим бироз таскин топди. Ахир, одам уйида нималар борлиги ва уларнинг қанчага етишини мўлжаллаб яшаса, ишида унум бўлади-да.

Айтиб қўйай, бу йилги галла ҳосилидан кўнглим тўқ. Ҳозир 76 минг гектардаги галла майсалар баҳорнинг серёғин келганлиги туфайли яхши ривожланмоқда. Насиб этса, юз минг тоннадан ортиқ дон олишини мўлжаллаялмиш. Туманда яшаётган ҳар бир одам бошига юз килодан бугдой тарқатишни ҳозирдан режалаб қўйдик.

— Пахта, бошқа экинлар даромади ҳам ёмон бўлмагандир!

— Шундай. Утган йили 34,5 минг тонна пахта йиғиштириб олгандик. Юз миллион сўмга сотдик. Хали 1,5 минг тонна толамиз турибди. Уни 150 миллион сўмга сотишни мўлжаллаялмиш. Балки, ун-

дан ҳам ошиқ бўлиши мумкин. Ҳозир хўжалиқларимизнинг иқтисоди ёмон эмас. Биргина Ворошилов номли давлат хўжалигида шу пайтгача 8 миллион сўм аҳолига муқофот тарзида тарқатилди. «Кўкдала», Файзулла Хўжаев номли давлат хўжалиқларида ҳам одамлар катта даромад олишяпти. Сотилган тушган пулнинг 20 фоизини одамларга берамиз. Гапнинг очиғи, чироқчиликлар ҳозирги оғир аҳволда ҳам жуда қийналиб қолишгани йўқ. Аҳолининг шахсий чорва моллари бор. Дон, сут, қатиқ, мева, сабзавот ўзларидан чиқади.

Сизга бир воқеани айтай. «Қалқам» давлат хўжалигида Лангар деган қишлоқ бор. Наврўз кунлари бордим. Ишонасизми, дастурхонга бир юзй илгирма беш хил таомни тайёрлаб, номини ёзиб қўйибди. Хурсанд бўлиб, одамларга айтиб юрибман: асло қўрқманлар, бизда ҳеч қачон очарчилик бўл-

майди, шунча хил овқати бор халқ оч қолиши мумкинми?! Яна бир гап. Ҳозир кўп ташкилотлар ва одамлар бизга ер сўраб келишяпти. Ерга меҳрини бериб ишлайдиганлар кун сайин кўпаймоқда. Демак, одамлар ернинг битмас-туганмас хазина эканини ва у асосий тирикчилик манбаи эканини тушуниб етмоқдалар. Бу яхши, албатта.

— Рашид ака яқинда «Эрк» газетасида сизни Ворошилов номли давлат хўжалигида одамлар экан 300 гектар ердаги галлани ҳайдаётганлиги деб ёзди. Шу воқеани кенгроқ шарҳласангиз! Аслида нима бўлганди ўзи!

— Тўғри, ёзишди. Мутахассис бўлмаган оддий одам ҳам ерга вақти-вақти билан дам бериб туриши лозимлигини англайди. Галла майдонларига ҳам ҳар уч йилда бир марта дам бериш керак. Чунки, ёввойи ўтлар кўпайиб, ернинг ҳосилдорлиги камайди, галланинг нави бу-

## ТОШПҲЛАТ МАМАН

Бу киши ҳар доим шошиб-пишиб юради. Дунё кезади — тижорат ишлари билан шуғулланади. «Утар-кетар» чоғлари тахририятимизга бирров киришни унутмайди. Бир дунё хабар топиб келади. Бу гал ҳам ҳаяжонлиб кириб келди.

Бу муслим газетамизнинг феврал ойн сонларидан бирида сиз азиз муштарийларга таништирган «Иштихонлик савдогар» — Тошпўлат Маман эди.

Едингида бўлса газетамизнинг 19-сонида «Бу дунёга сиғмай қоламан» номли хат эълон қилган эди. Унда марғилонлик Маҳсудахон Музаффарова болалиқдан оғир хасталик асорати азобини чекиб келаётган Носирхон исмли йигитга ҳамдард, суянчиқ бўлаини деб турмушга чиққанлиги, тақдир 1990 йили бу оиланинг бошига яна бир кулфат туширгани — эри фалокат туфайли бутунлай тўшаққа михлиниб қолгани ҳақида ёзган эди. Ногиронлар аравачаси олиш учун кўли калталиқ қилаётгани, яхши одамлардан кўмак беришни сўрагани. Мухлисимиз Тошпўлат Маман хатни ўқибди-ю, ногиронлар аравачасини [раҳматли отаси фойдаланган] олиб, ўша кунни йўлга чиқибди. Марғилонга бориб, дардмандларнинг ҳолидан хабар олиб қайтибди. Бу хабарни эшитиб, ғоят таъсирландик. Гап анқонинг уруғидек бўлиб кетган беш-олти минг сўмлик ҳориж аравачасида эмас. Шукрки, меҳроқибат ҳали ўртамиздан кўтарилмаган экан. Ахир дардманд бир инсонни йўқлаш: ундан кўнгли сўрашдан-да улўғ савоб борми!!

зилади. Буни бизда қора шудгор дейишади. Яъни баҳорда барча ёввойи ўтлар уруғи кўкариб чиққан пайтда ер қора шудгор қилиб ташланади ва ёзи билан иссиқни еб, пишиб ётади. Қузда галла экилади ва у майдон йил қурғоқчилик келган пайтларда ҳам энг камида гектаридан 15 центнердан кам ҳосил берайди. Бу йил туманимиз бўйича 28 минг гектар ер қора шудгор қилинди.

Юқоридаги хўжалиқларда эса раҳбарларнинг етарли назорат қилмасликлари туфайли баъзи бир елмалар ўзбошимчалик билан давлатнинг галла майдонларига экин экиб юборганлар. Мутахассислар текширув ўтказиб, айбдорларни жазолашди, албатта. Лекин биз қора шудгор учун қолдирилган жойларга нўхат, ловия, кунжут, полиз экинлардан аҳоли ва ташкилотларнинг истаганча экишларига рухсат берганимиз. Чунки, булар галланинг ҳосилдорлигига кўп таъсир кўрсатмайди. Ҳали ҳам бу экинларни экишга вақт бор. Марҳамат, талабгор бўлса берамиз.

Норкул ТИЛОВ

Факултетдаги коридорнинг бир бурчида «ошиқ-машуклар»нинг бугунги тил билан айтганда, «разбор» қилаётганларининг устидан чиқиб қолдим. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бир-бирига «сен» деб мурожаат қилар, ҳар иккиси ҳам бўйинларини олдинга чўзиб қақчайган, иккиси ҳам голиб келиш ниятида бир-бирига гап бермай валдирайдилар. Худди шу кунларда мен «Ўтган кунлар»ни такрор мутолаа қилаётган эдим. Беихтиёр асар ва ҳаётнинг юқоридagi қахрамонларини солиштирдим, аммо, албатта, бу ишнинг удрасидан чиқолмадим. Чунки, одатда бир-бирига яқин келадиган икки нарса мурожас этилади, узоқларига эса ҳожат йўқ. Ишонмасангиз, ўзингиз уриниб кўринг. Гап Отабек ва Кумуш ҳақида:

- «...Бириси ҳам сўзлай олмас, фақат термулишар эдилар, неча дақиқагача шу ҳолда бўлдилар. Ниҳоят, Кумуш кулги аралаш кўзига ёш олди.
- Сиз қочқоқсиз!— деди.
- Сиз.
- Мен?
- Сиз қувлоқсиз.
- Ажаб қиламан,— деди Кумуш ва шапалоги билан эрининг юзига, секингина уриб қўйди.
- Бу ёққа ҳам.
- У ёққа Зайнаб урсин!
- Зайнабнинг урушга ҳаққи йўқ!
- Кумушнинг юзига ҳалигача кўрилмас бир шодлик ўйнади:
- Тўғри айтасизми?
- Тўғри айтаман.
- Мана бўлмаса,— деди

Отабекнинг иккинчи юзини ҳам силагандек қилиб қўйди. Яна кулимсирашиб, термулишиб қолдилар.

Мана сизга икки йил не не азоб-уқубатларга дучор бўлган Отабек ва Кумушнинг «уришиш»лари. Қандай чиройли ва ёқимли «жанжал»! Бу уришишдан уларнинг ўзлари ҳам, воқиф бўлган кишилар ҳам фақат заъқ оладилар. Узгача бўлиши мумкин эмас, чунки уришишда ҳам «уришиш» бор. Менимча, инсон гўзал тарбия кўрган ва мустақкам эътиқод

кўринмасликда жуда катта маъно бор. Аввало, шарқоналик, қолаверса, қизлик гурури, ҳаёси ширин. Буларнинг ҳаммаси Кумуш оиласининг, бу ерда ҳўкм сурган муҳитнинг, таълим-тарбиянинг меваси.

Отабек «ота-она вазифаси» билан Тошкентдан Марғилонга тушади. Лекин «ўз вазифаси» ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса айтмайди, айтолмайди. Чунки, Кумушга бўлган муҳаббатнинг беҳадлиги билан бир қаторда Отабекнинг тарбияси ҳам юксак эди, қола-

...Кумуш ва Отабек «яширинча» учрашишда, суҳбатлашишда.

Кумуш ўзини қутқариб ўрнидан туради:  
— Яхши қолинг!  
— Нима бўлди сизга, қаёққа борасиз?

— Марғилонга.  
— Бугун кеч бўлиб қолди, эртага кетарсиз?

Бу сўздан кейин Кумуш маъза қилиб кулади. Менимча, кўнгилдаги болаликини ҳис қила оладиганларни ҳеч бири бу сўзни хўмрайиб қабул қилмайди, балки қотиб-қотиб кулади, завқланади. Ахир, Отабекнинг жавоби ҳақиқатдан ҳам бошқача. Марғилондан от-аравада ўн беш кунлик заҳматли, оғир йўлни босиб Тошкентга келар эмишлару, бир кун ҳам турмай орқаларига жўнар эмишлар. Ахир Кумуш чопар эмаски, келиб-кетса, ҳатто, чопарлар ҳам озроқ дам олишган. Отабекнинг қандай йигит эканлигини биламиз. Шундай йигит Кумушнинг алдиовларига лаққа ишониб ўтдирибди ва илтижо қилапти: «Бугун кеч бўлди, эртага кетарсизлар?». Бу нимадан? Соддаликданми? Йўқ. Бу Отабек кўнглининг бола кўнгли каби мусаффолигидан, беғубор ва беғаразлигидан.

Кумушнинг беғуборлиги ўлим исканжасида ҳам уни тўқ этмайди.

«Кумуш жомга кўзғолди. Отабек келиб қўлтиқлади, ҳожи ҳам унинг бошини тугди. Бу гал қусуқ қонга айланган эди, бирнидан ҳам бир неча томчи қон оқди. Қусиб ётгач, кўзи ярираб очилиб

кетди ва теварагига бетоқат қаради.

— Ойи... дада...— сўнгра — бегим!— деб ингради. Эрининг юзига юзини қўйди, уялгансимон кўзини юмди.

Наҳотки... наҳотки Кумуш ўлди? Бироқ, нега у ўлаётти, «уялгансимон кўзини юмди»? Нега бошқача қилиб юлмади? Менимча, мана шу даҳшатли лаҳзалардаги Кумушнинг биргина ҳаракати — «уялгансимон кўзини юмиши» унинг Кумуш бўлиб қолиши учун етарли эди. Ахир, ҳолатни эсланг, Кумушнинг кучли заҳар таъсиридан ўзини йўқотаётгани, ичи ёнади, ўртанади, оғриди, ҳеч нарса қилмоққа қуввати йўқ, ундаги мавжуд кудрат ўлмоқчагина етади. Аммо у шундай пайтда ҳам ота-онасини ёдга олади, кейин Отабекни... унинг юзига юзини қўйди, уялгансимон кўзини юмади... Чунки шу асно улар ҳузурда Юсуфбекхожи ва Ўзбек оймбор эдилар. Кумуш эса шундай даъда, оғриқ ва азоб қўршовида жон бераётти ҳам қайнота, қайнона олдида эрининг юзига юзини қўйгани учун уялди, уяла олди...

Шу лаҳзадаги Кумуш уялгансимон юмилган кўзлари учун пойига тиз чўкиб тавоқ қилмоққа юз қарра ариб қўлиқдир. Сиз эса бугун кўчада, ҳонадонлардаги ошиқ-машукларни — Отабек ва Кумуш нигоҳида кузатинг. Уялаясизми?

Улуғбек АБДУВАҲОБ,  
ТошДД ўзбек филологияси факултетининг 4-курс толиби

## «ЎТГАН КУНЛАР» ҚАЙТАДИМИ?

бўлса, шунинг ўзи кўп нарсаларни белгилайди. Тарбия ҳамма нарса бўлмаса-да, унда ҳамма нарса бор. Буни ёрқинроқ идрок этиш учун Отабек ва Кумушнинг тарбияланган муҳитига эътибор қилинг.

Эсланг, Марғилон. Отабек ва Кумушнинг биринчи учрашуви. Уларнинг учрашган нигоҳлари ғайри ихтиёрий равишда бир зум бир-бирида тўхтаб қолади. Бу нима? Беҳаёликми. Йўқ, асло. Бу ҳолатни ҳис қилган зот бизни албатта англайди, ўзгалар учун эса ортиқ тушунириш сўзимиз йўқ. Чунки, бефойда.

Хуллас, Кумуш уйга кириб кетгани ва Отабек қанча кутмасин, бошқа кўринмайди. Назаримда, мана шу бошқа

верса, унинг вужудида отаси Юсуф ҳожининг покиза қони оқар эди.

Отабек Марғилонга бироз кечикиб келади. «Кумуш қорачи оху кўзларини тўлдириб, бунга қаратиб олгач, ўрнидан турди-да ичкари ҳовлига бурилиб кета бошлади. Бурилик маъносига Отабек аллачачон тушуниб қолган, бу ўзининг кечикиб, ўзи зориктиргани учун».

Бу мисраларни ҳайратсиз ва завқсиз ўқиш мумкин эмас. Чунки Кумушнинг бу ердаги ҳаракатлари бенихоҳ нозик. Унинг, ҳатто аразида ҳам ажаб бир гўзаллик бор, болаларча мусаффолик, эркалик бор. Назаримда, бунини шарҳ қилиш эмас, фақат тушуниш, ҳис қилишгина мумкин.

# БОЛА ИСМИ БИЛАН ТУҒИЛАДИ

Шоир Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари диққатимни тортади: Хаёлимга келар гоҳ ғалат бир гап, Гар уни эл аро сўйлаб юрмасман. Билмам не боис, билмам не сабаб, Исминини бировга раво кўрмасман.

Улуғ отдошларим мақоми юксак, Мен шогирд эрурман, гарчанд уларга, Ҳар нечук, бир гапни айтмоғим керак, Осон бўлмаган ҳеч Абдуллараларга.

Абдулларалар тақдиринга назар ташласак чиндан ҳам шундай эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу ўхшашлик сири нимада экан? Исмда қандайдир бир илоҳий куч, сеҳр, сир яширинмаганмикан! Утмиш меросига, панду насихатларига қулоқ солсак, қақалоқ туғилганда олдин танаси обдон текшириб кўрилиши, кейин ой, кун, ҳаттоки дақиқаларни ҳам ҳисобга олиб исм қўйилиши керак. Исм бола организмнинг ҳамма талабларига жавоб бермаса, ёмон таъсир кўрсатиши

мумкинлиги ҳам уқтириб ўтилган. Утмишда исми ана шу илмдан хабари бор одамлар қўйишган. Туғилган кунига қараб Чоршанба, Жуманазар, Жамагул, Бозор, ойга қараб- Ашир, Қурбон, Рамазон деб исм қўйишлар ёки узоқ вақт кўнгилга туғиб юриш, қалбдан покляниб илоҳий кучга айланган ниятлар туфайли Худойберди, Эгамберди, Турсун, Уфилло, Улмас, Тўғтасин, туғилган шароитига қараб Йўлчи, Тўйчи, Тўйбой, туғилишидаги ҳолатига қараб Машраб, Аваз, Гулол, Парда, жисмидаги белгисига қараб Холмўмин, Холмурод, Холниса, Холбек, Ойхол, Норхол, Анора, Тожи, Нуртожи, Қўшок, Олтибой, Ортиқ каби исм қўйишлар бежиз бўлмаган. Ҳеч қандай белгиси, ой ҳамда кунини шарт бўлмаган ҳолларда эса шу болаларга оғирлик қилмайдиган, шунда ҳам барибир нимасдир эътиборга олинган ҳолда исм қўйиш — ёмон бўлмаган албатта.

Ҳозирги одамлардаги касалликлар (экология, ишнинг ёмон шароитда-

лиги ва ҳоказолар билан бирга) исмга ҳам боғлиқ эмасмикан? Ахир, бегона исм қўйилган боланинг умри қийин ҳолда ўтиши, ҳаттоки ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Буни шу кеча-кундузда ҳам кўпчилик билмайди! Кейин умр бўйи дўхтир деб, табиб деб, югурдилар. Фарзандим, жигарим, деб бор будини сарфлайдилар. Кечикиб ҳотамтойлик қилишадими-ю, лекин исм қўйилаётганда хасислик қилишадими. Тилсиз гўдакнинг мурғак танаси туғилган ойи-ю кун, дақиқаларини, белгиларини айтиб турганини кўрмайдилар ва эшитмайдилар. Ҳолбуки, замонасозлик қилмасдан, табиат қонунларига эътибор қилиб, илоҳий кучларга имон келтиришса-да, гўдакнинг ўз исмини қўйсалар, яхши бўларди. Мурғак гўдак неча ўн йиллаб, ҳаттоки, умр бўйи қийналмаслиги мумкин эди. Баъзиларга исм енгиллик қилиши ҳам кўпчиликка сир бўлмаса керак.

Бир таншиммизнинг уч яшар ўғли ўзидан ўзи қотиб қоладиган бўлиб

қолди. Анча югур-югурдан кейин бир билимли кишига кўрсатишганда, китоб кўриб, исми енгил, унга икки исм қўйиш керак, деди. Болага туғилган кунидagi ҳолати сўраб-суриштирилиб, китоб кўриб, мос исм қўйилди. Бола ҳеч қандай дори-дармонсиз оёққа туриб кетди. Бир киши эса ўғлининг хур-хурлаб юришига қараб исминини ўзгартириб, мос исм қўйди. Боланинг димоғи очилиб кетди.

Ҳа, исмларда гап кўп. Сири, хосияти чексиз. Амриқода исм билан шуғулланувчи махсус фан, олийгоҳ ишлаб турган бир пайтда биз ақалли ўз исм қўйиш меросимиздан фойдаланмаемиз. Бизнинг шу кунги таназулга юз туттишимизга, аро йўлда дармонсиз бемордек дилдираб қолтишимизга бу каби ҳатоларимиз ҳам сабаб эмасмикан!?

Чори АҲМАД,  
Тош ДД толиби

### Бир куни

Бир куни қўшни Қирғизистоннинг Қизилқия шаҳрида гуруч сотиб турган эдим. Кимдир мени ўн беш қадамлар чамаси узоқда кузатиб турарди. Бир оздан сўнг олдимга келди, қўл бериб кўришдик. У мендан исм-шарифини сўради, ўзини таништирди. Кейин: «Сиз бугун уйга кеч қолдингиз, соат 5 бўлди, яхшиси бизникида қолинг» дея илтифот кўрсатди. Мен ун-

## ЎЗИМДАН НАФРАТЛАНДИМ

га раҳмат айтиб, бошқа сафар, дедим, ёнимдаги пулдан хавотирланиб. Унинг кўриниши турмуш ташвишидан эзилган, бечора одамни эслатар эди. Кейин яна гап қотди: «Сиздан бир илтимосим, пулингиз бўлса менга 500 сўм қарз бериб туринг, ҳозир жуда қийналиб қолдим, колхоз «отчёт» бергани йўқ, болаларим, онам, хотиним менга қараб турибди. Пулингизни

бир ойда қайтараман, мана паспортизм гаровга», деди. Мен унга ишонмай, пулим бўлса ҳам, йўқ дедим. Ахир, менинг ўзим ҳам бундан бир ой олдин бир сўмга зор эдим, лекин бировдан пул сўраганим йўқ-ку!..

Хуллас, ўша йигит яна: «Ундай бўлса беш сўм бериб туринг йўл қирага», деб қолди. Мен унга икки сўм бердим. Йигит хурсанд бўлганича раҳ-

мат айтиб, йўлига равона бўлди. Орадан икки ой ўтиб, яна гуруч сотгани борсам, кимдир чақириб қолди. Қарасам, ўша йигит, раҳмат айтиб олган икки сўм пулни қайтариб берапти. Шу пайт ўзимдан нафратланиб кетдим, ўшанда сўраган пулнини бермаганимга...

Сойибкамол МАДАЛИМОВ  
Охунбобоев тумани

## ЭЪЛОНЛАР — ТЕКИН

Матбуот, радио ва ТВда эълон бериш сўнги ойлар ичида 10—15 баробар ошиб кетди. Ана шундай шароитда биз ўз мухлисларимизнинг хусусий эълонларини текинга чоп этишга қарор қилдик. Марҳамат, ким биландир танишмоқчи, нимадир сотмоқчи, топмоқчи, кимгадир ёрдам бермоқчи, ёрдам олмақчи, ўз хизматингизни таклиф этмоқчи бўлсангиз, бизга ёзиб юборинг. Ишингиз тезда юришиб кетади. Манзилимиз: 700029. Тошкент — 29. ГСП. Намойишлар хиёбони —1. «Оила ва жамият».



ЕШЛИК

Суратчи: А. ТУРАЕВ

## «ОРОЛ — ОНА — БОЛА»

«У фақат қичқирар:  
Бундоқ бўлмайди.

Алам билан ёш тўқар,  
Унинг кўз ёшидан Орол  
тўлмайди.  
Фақатгина ер бўлар  
шўрроқ...

Шоирнинг аччиқ киноясида жон бор. Орол фожиаси юзага чиққандан бери қанчадан-қанча конференция, симпозиумлар, баҳс-мунозаралар бўлмади, дейсиз. Афсуски, уларнинг кўпини фойдалик даражаси «нол»га тенг бўлиб қолаверди. Жумҳурият хотин-қизлар қўмитасининг «Орол — Она — Бола» хайрия дастурини ўтказишни режалаштираётганини эшитиб, кўнглимда минг шитбоҳ билан қўмитага йўл олдим. Мени қўмита раисининг биринчи муовини Дилбар Гуломовна қарши олди.

— Дилбар опа, хайрия дастури нималардан иборат? Уни қандай ўтказишни мўлжаллаясизлар?

— Аввало, дастуримизни қисқа муддатга эмас, икки-уч йиллик қилиб ўйлаш-

нимизни айтиб ўтмоқчиман. Шу йилнинг 23 май куни Аlisher Навоий номи театрида ўтказилган кимошди савдоси ва хайрия концерти билан унинг биринчи босқичи бошланди. Кимошди савдосига давлат ва тижорат молларидан иборат ноёб матоҳлар қўйилди.

Концертда эса «Баҳор», «Лазги» дасталари, Олмагон Хайитова, Раҳматжон Курбонов, Маҳмуджон Азизов, Олимжон Орифжонов каби эл севган санъаткорлар қатнашдилар. Мен уларга қўмитамиз номидан миннатдорчилик билдираман.

— Ким ошди савдоси ва концертдан қанча маблағ тушди?

— Жами ўн миң сўмдан ортиқ. Мен бунга корхона, кооперативлар ўтказган маблағни қўшимаяман.

— Ҳомийлар ҳам борми?

— Албатта. Хотин-қизлар қўмитасининг бир ҳовуқ маблағига нима ҳам қилиб бўларди, дейсиз? Ўзбекистон Касаба уюшмалари иттифоқи, Рассомлар уюшмаси, «Карвон» биржаси дастурни амалга оширишда қўмаклашадиларини билдиришди. Бошқа йирик корхона, кооператив, биржаларга ҳам дастурда қатнашишлари-

ни таклиф қилиб, тат ўйладик. Дастуримиз фақат жумҳурият доирасида чекланиб қолмайди. Хамўстлик давлатлари, чет элдаги аёллар уюшмаларидан ҳам меҳмонлар кутялмиз.

— Тушган маблағни нималарга сарфламочисизлар?

— Асосан болалар овқатини тайёрлайдиган технологик қурилмалар сотиб олишга. Биласиз, ҳозир болалар озиқ-овқатини топиш муаммо бўлиб қолди. «Малиш», «Малютка» деганлари бўларди бир вақтлар. Ҳозир шулар ҳам йўқ.

Болалар уйларини, шифохоналарни тазмирлаш, сувни тозалаш берадиган асбоб-ускуналар харид қилиш ниятимиз бор.

— Кейин-чи? Хафа бўлмаг-ку, кўпгина хайрия тadbирларида бир-икки иш қилинади-ю, шу билан...

— Дастуримиз ундайлардан бўлмастгига ишонаман. Юқорида айтганларимдан ташқари, ёз ойларида Орол ва Оролбўйида яшовчи болаларни катта гуруҳини қардош жумҳуриятлар, чет элларга олиб бориб даволатини ҳам ўйлаб қўйганмиз. Умуман, ижтимоийлик борича ишни охиригача етказишга ҳаракат қиламиз.

АЗИЗ суҳбатлашди.

Бир куни Абдумўмин Абдуҳошимовнинг уйига кўшниси кириб келди. Одатдагидек ҳамма билан қўл бериб кўришди... Чқиб кетаётганда эса Шапоғат (Абдумўминнинг хотини)нинг елкаси дан астагина ушлаб, «Онажоним, хайр» деб чиқиб кетди. Буни кўриб ўтирган ширакайф эр «Нега бегона сенга қўл тегдиради?» дея жанжал бошлади... «Энди сени ўлдираман» деб ичиб келиб қилди тўполанг. Айбдор кўшни келиб узр сўраб кетмагунча тинчимди. Кейинги куни эрталабданоқ «оқболо»ни юмалатгач, яна хуружини бошлади. Эрининг вазоҳатидан кўрққан Шапоғат болаларини олиб, уйга бекинди. Абдумўмин деразани синдириб, кўштарнинг тепкисини босди. Уқ ўн яшар қизи — Шоҳиданинг қорнига тегиб, ошқозон, қоражигар ва йўгон ичагини оғир яралади.

Чинқирик, йиғилардан хушёр тортган ва кейинчалик суд курсисига ўтирган Абдумўмин пушаймонларнинг ҳаммаси бефойда.

АСТА

УШЛАГАН

ИД

«Рашк имондандир» деган ҳадис бежиз айтилмаган. Лекин, ўз рашкини ароқнинг кучига аралаштириб яамон қиладиган эркак эркакми? У хотинини бемаҳрамдан рашк қилди, бегона нигоҳ ва қўлларнинг тегишидан асрамоқчи бўлди, дейлик. Лекин, сал жаҳли чикса, ароқнинг қувватидан либос қиядиган шахсни имонли деб бўладими?

«Онажоним хайр» деб бировнинг аёлини елкасидан «аста ушлаб» чиқиб кетган кўшни қариндошининг «фаросати»ни ҳам айтиб ўтган маъқул. Хайрлашишда кўлни кўксига қўйиб, қўл теккизиш у ёқда турсин ҳатта нигоҳини ҳам ерга тикиб, «Хайр, омон бўлинглар» дея сал бosh эгиб, чиқиб кетса одобдан бўлмасмиди? Аёлининг елкасидан «аста ушлаш» шартмиди? Бу унинг мусулмончиликдан беҳабар эканлигиндан далolat беради.

Қолаверса, Шапоғат ҳам бегона қўл тегиши билан сал сесканганини билдирса ҳам бўларди-ку! Утириб суҳбатлашишганда муомаласидаги хавф, одобни маълум бир чегарада сақлаб турганида, кўшни қариндошининг унинг елкасидан ушлашга ҳадди сифармиди?..

Бу уч кишининг айби ва хатоси билан норасида бегуноҳ гўдак жабрланди. Кўнгиллар синди. Абдумўмин қамалди...

Жўра ТОЖИ  
Тошкент

## Узингизни синаб кўринг

## ОИЛАНГИЗ ТИНЧМИ?

Тўғриси айтинг, сиз жиддий масалалар устида тез-тез бош қотириб турасизми? Масалан, оилавий муносабатлар ҳақида. Балки ҳаётингизда қандайдир ўзгаришлар содир бўлганми? Узингизни текшириб

кўришни истасангиз, эрингиз (хотинингиз) билан биргаликда қуйидаги саволларга жавоб беринг. Шундан сўнра натижаларни таққосланг.

1. Ҳаётингизда яна бир марта умр йўлдошингизни танлаш имконияти туғилиб қолса, сиз яна ҳозирги жуфти ҳалолингизни танларингизми?
  - а) асло;
  - б) ўйлаб кўрган бўлардим;
  - в) ҳа.
2. Сизга янги-янги одамлар билан танишиш хуш ёқадими ёки эски дўстларингизни афзал кўрасизми?
  - а) эски қадрдонларим кўпроқ хуш ёқади;
  - б) мени янги-янги танишувлар ва одамлар кўпроқ ўзига жалб қилади;
  - в) баъзи-баъзида ўзгариш қилиб турилса, зарар бўлмайди.
3. Сизлардан қайси бирингиз оилада кўпроқ бандсизлар?
  - а) эрим (хотиним);
  - б) табиийки, мен;
  - в) рўзгор юмушларига эътибор бермайман.
4. Пул ҳақида фикрингиз қандай?
  - а) бу муҳим масала, афсуски пул доим етишмайди;
  - б) пулнинг етишмаслиги яхши оилавий муносабатларни ҳам издан чиқариб юбориши мумкин.
5. Эрингиз (хотинингиз) сизни қандай қадрлайди?
  - а) қадрламайди;
  - б) мендан миннатдор бўлиб юриши керак;
  - в) менинг ўзим уни қадрлайманми?
6. Сизнинг ташқи қиёфанингиз

- эрингиз (хотинингиз) эътибор берадими?
  - а) мендан доим қандайдир камчилик топади;
  - б) менинг нимани кийишим ва қандай кўринишим уни асло қизиқтирмайди;
  - в) доимо қизиқиш билан қарайди.
7. Уйдаги хўжалик ишларидан розимисиз?
  - а) унча-мунча розиман;
  - б) розиман;
  - в) бу нарсани хўжалик деб атаб бўлмайди.
8. Сиз билан эрингизнинг (хотинингизнинг) ота-оналари билан муносабатларингиз қандай?
  - а) улардан йироқроқ юришга ҳаркат қиламан;
  - б) уларга хурмат билан муносабатда бўламан;
  - в) уларни яхши кўраман.
9. Байрамларни ва бўш вақтларингизни оилангиз билан бирга ўтказишни ёқтирасизми?
  - а) бошқача тасаввур ҳам қила олмайман;
  - б) менга барибир;
  - в) йўқ, мен учун бу зерикарли.
10. Ўз уйингизни яхшилашга, ҳашаматли қилишга интиласизми?
  - а) бундан бошқа муҳим ишларим ҳам кўп;
  - б) ҳа, имкониятим бўлди дегунча;
  - в) баъзи-баъзида бу ҳақда ўйлаб кўяман.

ҲИСОБЛАНГ:

Саволлар:

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

а)	3	2	1	3	3	2	2	3	1	3
б)	2	3	3	1	2	3	1	2	2	1
в)	1	1	2	2	1	1	3	1	3	2

Жавоблар: 21-30 очко. Фикри-мизча, сизларнинг оилавий ҳаётларингиз унчалик жойида эмас. Сизларнинг биргаликдаги ҳаётларингиз қийин ва ҳавас қилиб бўлмайдиган даражада. Бир кун келиб эрингизнинг [хотинингизнинг] бардоши тугаб қолмасмикин!

15-20 очко. Умуман айтганда, оилангиздаги муносабатлар анча жойида. Баъзи-баъзида бўлиб турадиган келишмовчиликлар охири-охирида оилани мустаҳкамлайди. Ҳар қалай, имконияти борича, бундай муносабатларни сустемол қилмангизлар.

14 ва ундан кам очко: ташқаридан қараганда сизларнинг никоҳингиз идеал кўринишда. Сизлар бир-бирларингизни кўзларингизга қараб тушунасизлар. Лекин... Тўлиқ мукамаллик ҳам вақти келиб зериқтириши мумкин. Нима деб ўйлаб, ҳаётингизга баъзи бир ўзгаришлар киритсангизлар зарар қилмасди.

## ҲАР ЭҲТИМОЛГА ҚАРШИ

Қуруқ чойим узоқ вақт хушбўй сақлансин, десангиз чой қутига апельсин пўстининг бир бўлагини ёки ванил ташлаб қўйинг.

Ойнани ювишда совуқ сувга озроқ мато бўяйдиган кўк кукун (синка) қўшилса, ойна янада ярқираб кетади. Шунингдек, совуқ чой билан ҳам ювиш мумкин.

Қофе қайнатилган пайтда унга озгина туз ташланса, янаям хушбўй бўлади.

Сирланган кастрюлингизни узоқ вақт хизмат қилишини хоҳлайсизми? Унда, ҳеч қачон иссиқ кастрюлни совуқ сувда чайманг.

ДИЛРОМ ТўПЛАДИ

## Дераза

## ҚАМАЛГАН... ЯХШИ!

Қўшни Қозоғистоннинг Уст-Каменогорск вилоятидаги қамоқхоналардан бири эронлик ишбилармонлар билан қўшма қорхона қуриш ҳақида шартнома имзолади. Қорхона электропиталар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Шундай қилиб, махбусларнинг маоши қамоқхона қорувулларининг ойлигидан 2,5—3 баравар ошиб кетди.

Дарвоқе, машҳур ёш гвардиячилар шаҳри — Краснодарда истиқомат қилувчи пенсионер В. Геросименко идоралардан бирига арза берди. Собиқ фронтчи-жангчи уйда олаётган нафақаси кун кўришга етмаётганлиги ҳақида ёзиб, турмада дурустроқ оқватлиниш мумкинлигига шама қилган.

## ҲОКИМНИНГ ДИПЛОМИ ҚАЛБАКИ ЭКАН

Волгоград вилоятининг Совет тумани ҳокими Лев Балфидан — лавозимдан олинди. Унга қўйилган айблар бир талай. Хусусан, ҳоким жаноблари бир умр барча ҳужжатларнинг «маълумоти» деган бандига асос қилиб кўрсатган дипломи қалбаки бўлиб чиқди. Озарбайжон нефть ва газ институти бу фактни тасдиқлади.

## ОШМАДИ

«Бошқирднефт» бирлашмасида ишловчи масъул бир ходим ишга бироз кечкиброқ келган эди, бошлиқлар уни тушунтириш хати ёзишга мажбур қилишди. Ходим ёзди: «Айбимни тан оламан. Афсуски, ишга икки минут кечкиб келдим. Мени отишларингизни сўрайман». Аммо уни отишмади. Сабаби: ўқ етишмаётган эмиш.

## ҲОНИМЛАР САФАРДАН ҚАЙТИ

Аҳли Бухоро шу кунларда кун сайин ошиб бораётган нарх-навони эмас, балки бу қадим шаҳар заифларидан бир гуруҳининг Туркияга қилган саёҳати билан боғлиқ можарони муҳокама қилиш билан банд. Саёҳат чоғида бухоролик нуфузли кишиларнинг рафиқалари — у қадар ёш бўлмаган уч нафар заифа истамбуллик маишатпарастлар билан танишиб қоладилар. Умуман тил топишишгач, истамбуллик жаноблар бухоролик хонимларга вақтни кўнглихушлик билан ўтказишни таклиф қилдилар. Хизмат ҳақида эса видеомагнитофон ваъда берилди.

Баъзи жамшид хуфёна равишда камера билан суратга олинди. Туширилган кассетани жаноблар аёллардан бирига турк халқ лапарлари дея тақдим қилишди. Уйга қайтгач, бухоролик хонимлар лапарлар томошасига қариндош-уруғларини ҳам чорладилар. Сеансининг якуни қайғули бўлиб тугади: гарчанд шаъни таҳқирланган эр Отеллога айланиб кетмаган эса-да, шарманда бўлган аёл ўзини ўзи ўлдирмоққа ҳаракат қилди.

(«Собеседник»)



БОБОНИНГ УГИТИ

## Эълонлар

Ешим 15 да. Бошқа вилоятлардан, қардош жумҳуриятлардан дўстлар орттириши истайман. Бўш вақтларимда онамга ёрдам бераман, расм чизаман ва бадиий китоблар ўқийман. Ҳинд кинофильмларига жуда қизиқаман. Сизчи! Мактубларингизни кутаман. Манзилим: 740000. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Беруний кўчаси 38 уй 5 пр. Роза Раҳимбоева.

Севиб, севилиб турмуш қуриб, атинг бир ярим ой яшадик. Ичкилик ошимизга оғу солди. Ажрашганмиз. 22 ёшдаман. Фарзандим йўқ. Сирдарё вилоятида яшайман. Касбим — котибалик. Мени тушунадиган йигитни бахтли қилишга кўрбим етади. Мен кутаётган йигит диндор бўлса янаям яхши бўларди. Чунки, отам диндор, мулла киши. «Оила-40»га мактуб йўлланг.

## ТАБРИКЛАЙМАН

Хушовоз хонанда Охунжон

Мадалиев кимни севиб қолганлигини айтмай муҳлисларини роса хуноб қилиб, қизиқинини орттириб юборди. Мен ҳам бир гўзални севиб қолдим. Аммо яшириб ўтирмайман. Исми ўзи каби гўзал — Дилфуза! Маҳбубам! Тўғилган кунингиз қутлуғ бўлсин. Узингиз билган ошмиқ беқарорингиз. Андижон шаҳри.

Азиз тенгдошлар! Била-

ман, ҳаммаингиз «Охирги қўнғироқ байрамин»ни мен каби орзиқиб кутдингиз. Сизларни шу беғубор байрам билан табриклайман. Ҳаётда ҳеч адашмай, ўз йўлларингизни топиб олишингизни истайман. Тенгдошингиз Дилдора Муротова. Тожкент вилояти, Оққўрғон тумани.

1 июнь муҳтарам вақтида-миз Зевар Матмурод қизим ҳамда акам Баҳромжонлар-

нинг туғилган кунини. Уларга доимо сўхат-саломатлик, узоқ умр насиб этсин. Алимардон Қиёмов. Қашқадар.

Ҳурматли Умидаҳон опа! Сизим бир кам 40 ёшингиз билан муборакбод этаман. Ижодингизга ривож, оилангизга хуш кайфият, тинчлик, хотиржамлик тилаб, қиёматли укангиз Шўҳратбек. Тожкент шаҳри.

Бу воқеа шаҳарлик қиморбозлар Жалол қаланидан ўч олмоқчи бўлиб атайин қишлоққа келган, аммо ғанимини тополмай, унинг беғуноҳ эшагини сўйиб кетган куз фаслида юз берганди.

Мен энамнинг тиззасига бош қўйганча, эртакка қулоқ тутардим.

— Тулки тилга кирибди:

Эй, кампири фарибгар,  
Бу гапининг жони бор.  
Хўрозингни мен едим,  
Макиёнинг нечов бор!...

Эртак шу ерга етганда кимдир дарвозамизни зарда билан тақиллатди. Энам эртакни чала қолдириб, яланг-оёқ ташқарига йўналди. Мен унинг ортдан соядек эргашдим.

Дарвоза олдида гижингланган қора тулпор минган Ҳамро Раҳимберди оёқларини узангига тираб, камчи ўйнаётганча, дамда қилди:

— Ҳой, Улмон! Қизинг билан Мастурага повусқа борлигидан, улар меҳнат баталёнига жунаши кераклигидан сени огоҳлантирдим. Айт, Баҳорни қай гўрга яширдинг?!

Энамнинг айтишича, инсонийликдан минг фарсах узоқда бўлган «ийгит ўлғун» раиснинг мақсади маълум: холамини ва Мастура опани ҳеч қанақа меҳнат баталёни-маталёнига юбормоқчи эмас, шунчаки ўзининг кирдор ниятига эришмоқчи, холос.

Юзини рўмоли учи билан пана қилган энам тўсатдан уввос тортиб юборди:

— Айланай раис бова, уч кун бўлдики, қизим доғ-даракисиз: ердаям, кўкдаям йўқ. Изламаган жойим қолмади. Зарафшонга фарқ бўлдим, қоядан учи ўлдими, бўрига ем бўлдики — билмайман. Отаси билан акасининг, қолаверса, куёвининг урушда қон кечгани, катта қизимни қўрманг камлик қилувдимми?!

— Ҳа, шаллақи, қизингни яширганнинг етмагандек, бу ёқда ҳали тилим ҳам бор, дегин! — Раис абжирлик билан от ёли узра эгнашиб, энажонимнинг яғринига устма-уст камчи туширди. — Мана сенга! Мана сенга!...

— Ҳой! — дедим сувлиқ чайнаётган отнинг жиловиға катталардек ёпишиб. — Урма! Ҳали катта бўлай, энагни...

Шу чоққача мени мутлақо пайқамаган Ҳамро Раҳимберди мўндридан чиққан маймунини кўргандек, тааж-жубланди. Лаблари иршайди, елпигичдай башараси тумшайди... аммо

## Щерали СОКИН

қайтиб на энамни ва на мени қамчиллашга ҳадди сиғди.

— Бу... анювй Нурмат галварсининг зумрашасими? — лаблари гезарган раис беҳад ўсал бўлиб, отнинг жиловини ортга бураркан, панг товушда тўнғиллади. — Ит эмган.

Энам хонага қайтиб кирди-да, хўрлиги келиб, обидийда қилди:

— Воҳ, эрсиз уй, хотинсиз ошхона етим... Қандай кунларга қолдим, эй парвардигор?!

— Йиғламанг, — дедим энамни юпатарканман... — Катта бўлсам, сизга фаранг рўмол олиб бераман. Бовам, тоғам, отам урушдан қайтсин — Ҳамро мешга кўрсатиб қўямиз ҳали. (Табийки, унга нима кўрсатишимизни билмасдим).

Энам ҳамон кўзлари жиққа ёшга тўлганча, мени суйди:

— Айланай, суяңчимдан.

Қуёш уфққа ёнбошлади.

— Уйимизнинг каттасиям, ягона эркагиям ўзингизсиз. Худого шукур, эсингиз кириб, кап-катта ул бўлқолдингиз, — хаста товушда гапирётган энам бирдан шивирлашга тушди. — Мана буни холангизга элтиб беринг. Шўрли қизим икки кундан бери оч ётибди. Зовур ичидан аста пусиб боринг. Хушёр бўлинг, биров кўриб қолмасин, тагин. Хирмонжойдаги похол ғарамини биласиз-а, уша ерга эмакляб борасиз-да, аста овоз берасиз.

Шундай деб, қўлимга чоғроқ тугунни ишонч билан тутқазди.

Сизга айтсам, энамнинг таъкидлашича, менинг оғзим «маҳкам» эмиш. Масалан, урушга боришдан бўйин товлаб, кундузи газаларда яшириниб, кечаси уйига ўринча келиб-кетиб юрадиган Исавой амакимини бир кунни тақсодифан кўриб қолганимдаям бировга «чурк» этиб оғиз очмаганман. Тўғри, ўшанда Исавой амаким оғзимни «мойлаган», яъни қовурилган каклик гўшти билан обдон сийлаган, боз устига, сиртига темирчи ва босқинчи тасвири туширилган иккита 20 тийинлик тангаям «суна» қилганди.

Ҳикояни узлиб қолган жойидан давом эттирсам, бизнинг қишлоқда кўз келиб, шоли пишиши билан ариқларга

# БУЛУТ ҚЎЙНИДАГИ ҲИЛОЛ

сув бериш тўхтатилади. Мен қўлимдаги тугунни эҳтиёт қилганимча, тупроғи ўйнаб ётган зовур бўйлаб энгашганим кўйи (биров кўриб қолмасин деб) зинғиллаб бормоқдаман. Ҳаш-паш дегунча хирмонжой яқинига етиб келдим. Қош қорая бошлади. Унг томондаги қирликда Чилғаз қабристони ястаниб ётибди. Мозорлар ваҳимали дўпайиб турбди, уларнинг баъзилари чўккан. Буларнинг бари кўнгилга гулув солади. Атроф қоронғулашаётган бўлса-да, зовурдан чиқиб — эҳтиёт шарт — хирмонжойга доғур деярли эмакляб бордим. Мана, ниҳоят, похол ғарамлари.

Оҳиста овоз бердим:

— Хола, о, хола...

Сукунат.

— Хола, о, хола...

Яна сукунат.

Учинчи марта овоз берганимда, бирдан ғарам жонланиб, унинг ичидан уст-бошига похол илашган Баҳор холам чиқиб келди, қишлоқнинг ҳуснда танҳо бўлган қизи — холам «кап-катта бўлиб қолган» мендай «ийгит»дан хўп айлиниб-ўргилди, атрофга хавотир аралаш қараб, қўлимдаги тугунни олди. Хира ойдинда унинг шаклу шамойили сеҳрли туюларди. Шу топда холам қўзимга биром бадбахт кўрини кетдики, раҳим келганидан йиғлаб юборавдим.

У мен олиб келган насиба — нон, шавла, олмапарни еб олгунча, похоллар орасидан мис кўзача олиб чиқиб, чанқовни бостиргунча, сизга муҳим сирни айтиб қўймоқчиман.

Гап шундаки, ёш бўлсам-да, асли оқжарлик бўлган анювй Ҳамро Раҳимбердини унча-мунча танийман. Мудом носранг кител, галифе шим кийиб юрадиган ана шу кимса бу йил машоқ тергани ангизга чиққанимизда, остидаги мана шу ғинон билан бизни роса қувлаган, машоқларимизни мусодара қилгани устига, аёвсиз қамчиллаганди.

Раис қутуриб қувади. Биз — яланг-оёқ бола-бақра чор томонга тарикдай тирқираб кетамиз. Буғдой ўроғига бориб пишган исмалоқ тиканлари оёқларимизга «ғарч-ғарч» кириб, қонат-

ганига қарамасдан, жон сақлаш учун дуч келган тарафга қочамиз. «Бахудо, суягингни Сибирда чиритаман, кўкингни қияман, ҳаммангни!» — кўзлари қонга тўлган раис бизни бўралаб сўкади, қўлига тушганимизни аёвсиз савалайди. Қамчи зарбидан, айниқса Саид деган ўртоғимиз кўп жабр чекди: аллавақтгача елкаси шилиниб, мўматалоқ бўлиб юрди, бояқишинг.

Бироқ Ҳамро Раҳмонберди бизга раво кўрмаган машоқ курт-қумурсқаларга насиб қилди.

...Мен топшириқни бажариб, бостириб келаётган кўркувини енгил учун йўл-йўлақай ашула айтиб, қишлоққа етиб келдим. Энамни хотиржам қилдим-да, бир парча зогорани тишлаганимча, ғала-говурга тўлган кўчага отилдим. Болаларнинг тунги ўйини — «Оқсуяк» авжида эди. Ҳов чеккада шўх-шатаноқ қизлар гулхан ёқиб, ашула айтишмоқда. Ашулага, одатдагидек, Хайринисо сарнақшлик қилмоқда:

Ҳой, Лайли, Лайли, Лайли,

Отинг толга боғлайлик.

Отинг толда турмасе,

Гулхайрига боғлайлик.

Гулхайрининг гули кўп.

Менинг оғам пули кўп...

Борлиқни хира ёритиб турган қумушранг ўроқ булутлар қўйнига кириб кетди. Атрофга зим-зиё зулмат чўқди. Уйин охирида борарди. Ой абрлар бағрига чиқиб, атроф яна ёришганда, кўчада Омоннинг отаси — меҳнат фронтида ўпкасини совуққа олдириб қайтган Соли бова кўринди. Волидамга ўхшаб, Омоннинг ҳам онаси ўтган йили қишда вафот топган. Қизик, шу чоққача биз билан дўппа-дуруст ўйнаб юрган Омон энди ҳадеб отасига тирғаларди:

— Осмондай нон беринг...

Уйга қайтарканман, ғарамга яширинган холамини аллақандай орзиқиш билан эсладим-у, бейхитёр йиғлаб юбордим. У нима биландир булутлар қўйнида қолган ҳимоясиз ҳилолни эслатарди...

## ОЙБАРЧИННИНГ ЎЛГАНИ ЧИНМИ?

Номусни сотган билан одам боймайди.  
(мақол)

Эй биродарлар, Сурхондарёга ўғри оралади. Энг ёмони — улар латта-путта, қўй-қўзи, олма-анор эмас, балки содда хотин-халажнинг бошини айлантириб, ўчоқнинг бошидан бир кийиб ўтса бирсиқим пластмассага айланаб қолувчи ялтир-юлтир латталар бериб момолардан мерос зебу гардонларни, юлдуз келбатли исиргаларни, нақши ял-ял қадимий биллагузукларни олиб кетаётдилар. Энг даҳшатлиси — бу хотинфурӯшларга ҳой дегувчи ҳокимнинг, қўрқитгувчи хўжанинг йўқлиги.

Сурхондарёнинг файссиз кўчаларида тентийман. Кўча тўла қизлар. Бири-биридан сулув, бири-биридан дуркун. Уларнинг наъжувон бўйинларида азиз миллий тақинчоқларимиз эмас, тилла занжир (астағфурulloҳ) гоҳо ялтироқ хоч аломати силкиллайди. Улар қаршисидан ўтган ҳар бир эркак зотини кофир айлаб — ўзини кўз-кўз этиб

ўтади. Бу XX аср Бақтрияси! Ойбарчиннинг ўлгани чин бўлдики?

Тўқсон олти уруғли Сурхон элида манавиндай бир гап бор: кўхна буюм, хотира матоҳ ҳақида гап кетганда кишилар меҳр ила эслаб қўйишади: «Бул буюм менинг отамнинг кўзини кўрган, энамнинг қўллари тафтини сезган. У — табаррук!»

Табаррукни енгар сўз йўқ бизнинг луғатда.

Халқимиз юпун. Халқимиз қашшоқ. Аммо ор-номуснинг рамзини нонга-да алмашласанг ҳаққинг кетмайдими? Эгачилар-ов, хотирани сотманглар.

Болаларинг манқурт бўлиб қолади, дегим келади. Бизга шунча таловзода, шунча орта-орт етмасмиди ўзи? Е болаларимизга кун битган Шўронинг қадри писта пўчоғидан сал арзон «рубл»ни мерос қолдирамизми?

Абдуғаффор ОДИНА  
Сурхондарё вилояти



Суратчи: Ҳ. САЙИДИ

— Икром ака, шу кунларда ким билан гаплашманг, албатта, бирор нарсадан нолийди. Биров маош озлигидан, бошқаси нарх-навоининг ҳаддан зиёд шохалаб бораётганидан... Сиз-чи, нималардан кўпроқ эзиласиз!

— Мени маънавиятимизнинг тақдирини ташвишга солади. Бугун қорнимиз оч бўлса, эртага тўяр, бугун юпун бўлса, эртага эгнимиз бут бўлар. Аммо кўзимизни яхшироқ очиб, нураб бораётган маънавиятимизни шаксиз ҳалокатдан сақлаб қоламасак, уни нафсимиз йўлида қурбон қилсак, бу энг катта йўқотиш бўлади. Кишилар кўнглида эзгулик чироғи ўтса, билинги, маънавиятида жаҳолат пайдо бўлгани. Ҳозир кўпчилиكنинг ҳақиқатчи битта — қандай йўл билан бўлмасин даромад топиш. Базан кутубхоналарда сарғайиб кетган манбаларни варақлаб, илм истаб ўтирганларнинг сони борган сари камайиб, ҳатто «Қизил китоб»га киргизгудек даражада сийраклашиб кетаётганидан жудаям ўкинаман. Йиғлайман. Қочиб бораётган маънавий «оҳу»мизнинг ноласидан эзиламан.

— «Тенг ҳуқуқлилиқ» иборасига қандай қарайсиз! Умуман, оилада эркакнинг алоҳида ўрни...

— Аввало, бу ибора мусулмон турмуш тарзимизга атайлаб киритилган ёт сибат эканлигини айтмоқчиман. Мусулмончилиқда ўздан кучсиз, ожизларга меҳр-шафқат кўрсатишга катта эътибор берилади. Утмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, оилада ота — бошқон ҳисобланган экан. У оиланинг одобиға, тинч-тотув яшашига маъсул бўлган. Бугун ҳам ота ўз мавқеиға қайтиши зарур. Отаси ҳузурда оёқларини чалиштириб, бемалол папирос чекиб ўтирадиган қизлар ҳам борлигини ўйласам, «тенг ҳуқуқлилиқ» биз — ўзбеклар учун нечоғли қимматга тушганини ҳис қиламан.

— Аёлларнинг ишламай, уйда ўтириши масаласи ҳам жиддий баҳсларға сабаб бўлмоқда...

— Қани энди, аёлларимиз энг қийин, энг шарафли иш — бола тарбияси билан шуғулланиш учун уйға қайтсалар. Шунда болалар боғчалари хизматига муҳтожлик бўлмасди. Ҳукуматимиз боғчалар учун сарф бўлаётган пулга яна бироз қўшиб уйда ўтирган аёлларға нафақа тайин этса. Минг қулай бўлмасин, барибир кўча тарбияси кўчаники-да. Жумҳуриятимизда ўтган йили содир этилган жиноятларнинг 5 ярми мингдан ошиғи ҳали вояға етмаганларнинг чекига тушибди. Бунда фарзандларини эрталаб мактабға кузатиб, улар билан фақат қош қорайганда, ишдан сўнг учрашадиган ота-оналарнинг айби йўқ дейсизми?..

Мени кўпдан буён яна бир муаммо қийнади. Мактабларда дарс бераётган ўқитувчиларнинг 90 фоиздан кўпроғини аёллар ташкил қиларкан. Бизнинг маънавиятимизда содир бўлаётган фожианинг илдизи ҳам ана шунда. Мен аёлларимизни камситмоқчи эмасман. Лекин жуда кўп фанларға, умуман, савод ва тарбияға бошқача нуқта назардан ёндошилатган бир пайтда, улар узликсиз изланиб ишлашға қодир эмаслар. Аёллардаги биологик имконият бунга йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам бугун муаллим ва ўқувчи ўртасида ўзаро ҳурмат йўқ. Ҳозир мустақиллик ҳақида кўп гапираялмиз. Ҳатто дастурхон устидаги монибна гурунглр ҳам шу хусусда. Бироқ унинг руҳиятда шакл топиши, мустақкам пойдеворға айланиши қийин кечаяпти. Бунда мустақилликнинг икки, асосий устуни бўлиш миллий савод билан миллий тарбия камол топадиган мактаб ва оилани назардан четда қолдирмаслигимиз керак.

— Афзу этсангиз, сал галатироқ савол бор эди. Давраларда Сиз ҳақингизда гап кетса, оддий одамлар ҳам «Ҳа, анаву «бак»и [чекка сочи] бор шоирми!» дейишади. Шеърятда бўлгани каби ташқи кўринишда ҳам ўзига ҳеслика интилишдан эмасми, «бак» кўйишингиз?..



Шоир оиласи даврасида

Суратчи: М. АМИН

— Тўғриси, буни жиддий ўйлаганим йўқ. Лекин шу «бак» дорилфунунда ўқиб юрган кезларимда бошимға битган бало бўлган. Айрим домларнинг «Бак»ингни олдириб кел, деб дарсдан чиқариб юборган журиғлари бўлудди. Синов топширувларига киритмай, овора ҳам қилишган.

— Йўғ-ей...

— Рост, ишонаверинг. Ҳатто бир домла, у киши нафосатдан дарс берарди, «Нега сиёсий бюродоғилар қўймаган «бак»ни сен қўясан, деб оёқларини бир этикак тикиб олган пайтини айтмайсизми?.. Бунданам қизикроғи, эсингизда бўлса, беш-олти йил аввал расмий идоралар «аттестация механизми» (цифирикдан ўтказиш ускунасини ўйлаб топишган эди. Ажаб-ланарлиси, ким кимнинг савиясини баҳолайди? «Синов» кўпроқ сиёсий ҳужжатларни кузатиш даражасига қурилганди. Хуллас, собиқ Узкомфирканинг собиқ маъсулларидан бири «Шарқ юлдузи» ойбиги ходимларини «синов»дан ўтказадиган бўлди. Гал менға келди. Текширув ўтказётган опа тахририят, ижодий ишим ҳақида эмас, балки ўзига юзаки маълум сиёсий ҳужжатлар доирасида савол-жавоб қилди. Хусусан, марксизм-ленинизм классикаларининг қайси асарларини ўқигансиз, партия съездаларининг кўрсатмаларига амал қиласизми, энг сўнгги ўқиган сиёсий йўналишдаги асарингиз нима?.. Хуллас, шунанқа йўсиндаги гаплар. Мулоқот охирида опа менға қараб турди-да, жиддий маънода насиҳат қилди: «Дейлик, учрашувларға борасиз, шеър ўқийсиз, сизға қараб турганлар «бак»ингиз ҳақида қандай ўйлашларини хаёлингизға келтиргансизми? Бу ёшларға ёмон таъсир этади-ку! Шеър олиб келадиганлар қандай фикрға боришади?» «Кечирасиз, «бак»им ойбигида ишлашимға халақит берадими? «Синов» доирасига шу ҳам киритилганми?» «Мен ундай демоқчи эмасман, ҳар қалай ўйлаб кўринг...»

Нима дейсизки, бу фақир «бак»ининг тарихи узок...

— Охири олдириб қутулгансизми?

— Йўқ, барибир олдирмаганман. Шунинг учун ҳам тенгдош жуғларим «Биз сенға жигар эмас, «бак»имиз. Жигарингдан кечсанг ҳам ундан кечмайсан», деб ҳазил қилишади. Аслида эса юзим бироз чўзиқроқ, «бак» шу кўсурни яшириш учун...

— Қадим-қадимдан ижодкорлар ўртасида кенг қулоч ёйган устоз ва шоғирдлик аъёналари кейинги ўн йилликлар мобайнида деярли унутлаётган эди. Ва бирдан кўплаб ёш шоирлар Сизни устоз атаб, хонадонингизни доимий манзилгоҳларига айлантиришди. Бунинг боиси нимада?

— Аввало, менға нисбатан ишлат-

ган «устоз» нисбатингиз ортиқча. Бу калимининг юкини кўтаролмайман. Чунки ўзим ўрганувчиман. Ешларнинг ёнимға келиши эса, ҳа энди, одам меҳр кўрган жойиға боргиси келадиди. Биласиз, одам каттаме, ёшми, бир оғиз ширин сўзнинг гадоси. Ҳаётда жуда кўп муҳтожликларини бошдан кечирдим. Сағирликда катта бўлганман (оналари, Саломат момонинг айтишларича, Икром ака эндигина саккиз ойлик бўлганида оталари оламдан кўз юмган экан — С.Р.). Уша пайтлари одамларнинг бир оғиз ширин сўзи, зиғирдек хайрхоҳлиғи менға қанчалик далда бўлганлигини унутолмайман. Одам ўзи кўрган зорлиқни бошқа кўз кимға раво кўрмас экан. Ешларға эти юпқа, суяғи мўрт бўлган пайтда эътибор бериш керак. Енимға келадиганлар балки шу хайрхоҳлик туйфалидир. Уларнинг ҳаммаси аслида катта шоирлар. Мен уларнинг гурунглридан қувват оламан. Бир кун, ярим кун кўрмасам соғинаман. Кўргим келаверади. Қидириб қоламан, укаларимни...

— Айтинг-чи, дўстларингиз кўпми, душманларингиз?..

— Дўст ёки душман борми ўзи ҳаётда. Кимнингдир муносабати, кимнингдир манфаатиға зид келдимки, демак душман, аксинча бўлса — дўст, деб қарашға кўникиб қолганмиз. Аслида эса фақат ҳаракатдаги муносабат бор, холос. Мен давр шамолларининг елпигичиға айланганлардан ҳазар қиламан. Улар муқаддас тушуналарни пеш қилиб, иймон ҳақида лоф урадилар. Ваҳоланки, шу баробарида муқаддас туйғулар қадрини тушириб, иймонни сустлаштириб борадилар. Назаримда, иймон — кўкракдаги муқаддас дарахт. У кўнгил булогининг мусаффо сувидан қониб ўсади. Кимнингки, кўкрагида покиза иймон бор экан, у мен учун энг азиз одам.

— Нималарни хуш кўрасиз?

— Даштни соғинаман. Кенгликларға кетгим келаверади. Бепоеён маконларда байқириб-хайқириб юғурсам. Осмон ҳақида вижирлаб турган тўғайларға термулишдан ҳечам тўймайман. Қиру адирға кўкларни етаклаб келган лолақизгалдоқ, ангиз, чучмо-маларнинг хушбўй исларидан димоғим очилади. Лекин булар энди жудаям узокларда қолди. Нима қилай, ўзимни алдайман-да, хаёлим ва руҳимда макон тутган кенгликларға тўйиб-тўйиб қарайман. Шўкрки, бор... — Муштарийларға оилангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Турмуш ўртоғим Хуррам билан уч ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояға етказялмиз. Бу ишда бийим (онам) ҳам бизға кўмақдошлар...

Сирожддин РАУФ сўхбатлашди

Бош муҳаррир:  
Қулман ОЧИЛ

ТАҲРИР  
ҲАЙЪАТИ:  
Жуманазар  
БЕКНАЗАР  
Дадахон  
ЕҚУБОВ  
Муҳаббат  
ИБОДОВА  
Абдуҳошим  
ИРИСБОИ  
(Бош муҳаррир  
ўринбосари)  
Тўлқин ҲАЙИТ  
(масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:

Бахтиёр  
ЭГАМБЕРДИЕВ  
Қувондиқ  
БЕРДИЕВ  
Мейли  
ИУЛДОШЕВ  
Рўздат  
САФОВЕВ  
Абсалом  
УСАНОВ  
Баходир  
ЭШОНХОНОВ  
Урол  
ЎЗБЕК

Тахририят  
кедан катларға  
ёзма жавоб  
қайлармайди.  
Шунингдек,  
фуқаролар  
билан  
ташкilotлар  
ўртасида  
воситачилиқ  
ҳам қилмайди.

Газетамиз  
ҳамйлари —  
Тошкентдаги  
«СЭВИЖ»

тижорат жамияти,  
Ғаллаорол  
туманидаги  
«Ғаллаорол»,  
Муборак  
туманидаги  
Хитой давлат  
ҳўжалиғи,  
Намангандаги  
«Тўқимачи»  
маданият  
саройи.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,  
Тошкент — 29  
Намоийшлар  
хизмати,  
1-бино.  
Телефон:  
39—43—95  
Обуна  
индекси 64654  
Буюртма 42

Ўзбекистон  
Республикаси  
«ШАРҚ»  
нашриёт —  
маъбаачилиқ  
контрнери  
Тошкент шаҳри

# «АЁЛ КИШИНИНГ ВАТАНИ УНИНГ ЭРИДИР»

— Келиной, кўнглингизга олмангу, тўғриси, Сизни Солиҳ аканинг аёли эканлигини билардим, лекин исмингизни...

— Светлана Василевна...  
— Узбекчада Ерқиной опа бўладими!

— Ойдин опа...  
— Ойдин опа... Майлими, Сизга шундай деб мурожаат қилсам!

— Бемалол.  
— Ойдин опа, аввало келиб-чиқингиз, туғилиб ўсган жойингиз ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Бувим полшалик бўлган. Бобом белорусиялик поляклардан. Отам зиёли, раҳматли онам эса деҳқон оиласидан эдилар Узим. Украинада туғилганман. Тошкентга, 1974 йили келганман, ўқишга кириш мақсадида.

— Толиба ҳам бўлдингиз!  
— Ҳа, дорилфунунинг биология факултетига кирдим.

— Ота-онангиз ўзбек йигитга турмушга чиқингизга қаршилик қилишмаганми!

— Йўқ. Қаерда, ким билан бўлсанг ҳам, бахтинг очилса бўлгани, дейишганди...

— Тўғриси, ҳузурингизга келаётганимда, Сизни овуруплик ҳолида тасаввур қилган эдим. Туркийларга жуда ўхшаб кетишингиз мени ажаблантирапти...

— Нафақат мен, Украинада кўплар туркийларга ўхшайди. Биласиз, турклар Украинани бир аср мобайнида истило қилган. У ёғини ўзингиз тушунасангиз...

— Солиҳ ака билан илк бор қачон ва қаерда учрашгансиз! Сизга қандай таассурот қолдирган!

— Биринчи марта 1974 йил, дорилфунунда ўтказилган янги йил оқшомида учрашганмиз. Ушанда, нимагадир, бу йигит бошқа сайёралик, бу Ернинг одами эмас, деган ҳаёлга боргандим...

— Ҳозир ҳам шу фикрдасиз!  
— Ҳа, албатта.  
— Айтгандай, эрингизга нима деб мурожаат қиласиз: ака дебми, хўжайин ёки дадаси дебми!  
— Сиз, деб.  
— Тушунмадим.

— Қандай тушунтирсам экан... Умуман олганда, биз бир-биримизга дадаси ёки онаси деб мурожаат қилишга одатланмаганмиз. Агар, бирон зарур гапим бўлса, секин ёнларига бориб, гапирарман. Масалан, ошхонада туриб, дадаси овқат пийди, деб чакирмайман. Енларига бориб, гапирингиз имкон яралганда, овқат ейсизми, деб аста сўрайман.

— Нима учун Масков ёки Ленинградга эмас, айнан Тошкентга ўқишга келгансиз!

— Болалгимда Ўзбекистоннинг гузаллиги, халқининг очик кўнглилиги, меҳмондўстлиги ҳақида кўп эшитгандим. Катта бўлсам, албатта, Тошкентга ўқийман, деб юрардим. Шунинг учун бўлса керак...

— Ўзбекчани анча дуруст гапирар экансиз, аввал ҳам билармидингиз, ё турмушга чиққангиздан кейин ўргандингизми!

— Тўғриси, менга ўзбекчани болаларим ўргатишди.

— Ҳадислардан бирида: «Кимки бирор миллатни дилдан севса, қиёматда Тағри уни ўша миллат сафида тирилтиради», дейилган экан...

— Парвардигордан бирдан бир илтижоим ҳам шу — қиёматда эрим ва фарзандларим қаторидан чиқариб юбормасин, илоийм.

— Сизни намоз ҳам ўқийди, дейишганди!..

— Иймон келтириб, Ислом динини қабул қилганимдан бери Шариат нимани буюрса, барчасини бажаришга ҳаракат қиларман.

— Кўп машҳур кишиларнинг биринчи рақиби аёллари бўлган экан. Масалан, Лев Толстойни олайлик. Аёлининг хархашалари дастидан бош олиб кетиб, темир йўл бека-тида оламдан ўтган. Ҳатто, умрининг сўнги лаҳзаларида ҳам хотинини яқинига йўлатмасликларини илтимос қилган экан. Бундай мисоллар тарихда жуда кўп. Айтмоқчиманки... яқин келажакда Солиҳ ака, бир саёҳат қилиб келай, деб қочиб кетиш хавфи йўқми!..

— Қизиқ савол. Нима десам экан... Менимча, бундай хавф йўқ. Чунки, бирон марта бўлсин, фалон нарсани олиб беринг, уйимизда у йўқ, бу йўқ, мени фалон жойга олиб боринг, деб хархаша қилмаганман. Ҳатто, рўзгор юмушлари билан ўралашиб, қила-диган ишлари қолиб кетмасин деб, бозор-ўчарни ҳам ўзим қиламан. Қолаверса, рухсатларисиз ортиқча бир оғиз сўз айтишга ботинолмасак...

— Қисқаси, акангиз бизни қачон эсласалар бормиз, йўқса йўқмиз...

— Солиҳ аканинг қайси жиҳатларини кўпроқ қадрлайсиз!

— Мард ва поклигини.  
— Фарзанд тарбияси билан кўпроқ ким шугулланади!

— Асосан, мен.  
— Бирон жойда ишлайсизми!

— Ҳозирча, уй бекасман.

— Ойдин опа, мабодо Солиҳ ака Ватан танлаш ҳуқуқини Сизга берсалар, қайси мамлакатда яшаган бўлардингизлар!

— Аввало, шундай ҳуқуқни беришларини ҳечам хоҳламадим. Қолаверса, яна Ўзбекистонни танлаган бўлардим, десам, бари бир ишонмайсиз. Эри: «Аёл кишининг Ватани — унинг эри-дир», дегани учун шундай деяпти, деб ўйлашингиз мумкин. Лекин ихтиёрингиз...

— Ўзбек таомларидан қайси бирларини пишириши яхши кўрасиз!  
— Ошни.

— Солиҳ ака қайси таомни кўпроқ ёқтиради!

— Умуман, ҳеч қайси таомга алоҳида кўнгли кўймаганлар. Чунки, овқатни юзинчи (балки мингинчи) даражали нарса деб биладилар...

— Кўпхотинликка қандай қарайсиз! Сиз ўзингизни меҳрибон кундош сифатида тасаввур қилоласизми!

— Кўпхотинликка қаршиман. Кундош бўлишни ҳам сира хохламайман.

— Биласиз, турмуш — мушт дейдилар. Мабодо, эрингизнинг жаҳлини чиқариб қўйсангиз, у киши Сизга қандай чора кўради!

— Уришлари мумкин...

— Мабодо, кўчадан жаҳли чиққан бир ҳолатда кириб келса-чи!

— Уй жим-жит бўлиб қолади. Ҳаммамиз кўркувдан қалтираб тураемиз. Фақат, қизим Умидагина шу пайтда дадасига нима дейишни, унга нима кераклигини билади, холос. Дадаси ҳам унга ёмон гапирмайди, баъзан эркалатади. Чунки, Умидани жуда яхши кўради...

— Ойдин опа, бир саволим бор эди, боядан бери айтишга ботинолмай турибман. Агар ҳафа бўлсангиз шу саволимни берсам.

— Бемалол.  
— Солиҳ аканинг нимаси Сизни шунчалик мафтун қилдики, динингиз, тилингиз, Ватанингиздан кечиб, у кишига турмушга чиқдингиз!

— Нима десам экан... Тақдир... Муҳаббат...  
— Қандай орзуларингиз бор!

— Орзуларим кўп, лекин... тўғриси, элга овоза қилишни истамайман...

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Баҳром БЕК  
«Оила ва жамият»нинг махсус муҳбири

Ислом урф-одатлари

## ҲАРОМ ВА ҲАЛОЛ

Шариат мусулмонларнинг нималарни истъомол қилишлари масаласига алоҳида эътибор билан қарайди. Бониси — ислом энг аввало ҳалоллик, поклик, меъёр демокдир. Шариат ҳукмига кўра, мусулмонларнинг ёввойи қушлар ва ҳайвонларни, айрим тангаси йўқ балиқ турларини, ўлимтикларни ейиши ман этилган. Масалан, қурбақа ва илонларни истъомол қилиш таъқиқланган ҳолда, чигиртка ва калтакесакларнинг айрим турларини овқатга ишлатишга ижозат

берган. Хом саримсоқ ва пибёз ейиш тавсия этилмайди, аммо асал ва сут энг яхши неъматлар деб тан олинган. Истъомолга рухсат этилган ҳайвонларнинг қони, жинсий аъзолари, ошқозон бези, томоқ бези, орқа миясини, орқа мия атрофидаги ёғларни, ўт пуфаги, қовуқ, қора жигар (талок)ни овқатга ишлатиш таъқиқланган. Гўштининг энг яхши жойи ҳайвонларнинг биқинида деб ҳисобланади. От, кўтос ва эшак гўштини ейиш тавсия ҳам этилмайди, таъқиқ ҳам қилинмайди. Араблар ва форслар от гўштини емайди, қимиз ҳам ичмайдилар. Ислом-

ни VIII-IX асрларда қабул қилган турк халқлари бу одатни аллақачон унутиб юборишган. Чўчқа гўштини истъомол қилиш — исломда гуноҳи кабира, яъни энг қаттиқ гуноҳ ҳисобланган. Бироқ мусулмон киши очликдан ҳалок бўлиш даражасида турган бўлса-ю, чўчқа гўшtidан бўлак таом топилмаса, нафси қаноат топгудек миқдорда истъомол қилишга ижозат этилган. Исломда алкоғолли ва бошқа кайф қилувчи ичимликларни, спирт ва шароб кўшиб тайёрланган маҳсулотларни истъомол қилиш ҳам энг қаттиқ гуноҳлардан ҳисобланади.

«Ирфон»дан



СУЛИМ ГУШАГА ТАМОН